

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди


№ 1005-6

2013 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг

2013 йил "20" декабрь даги

424- сонли буйруғи билан тасдиқланган



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумқасбий ва  
махсус фанлари педагоглари учун малака ошириш йўналишининг ўқув дастури

Тошкент - 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА**  
**ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**  
**БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ**  
**КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**  
**ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича  
ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2013 йил декабрдаги 5 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

**Тузувчилар:** п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ хузуридаги тармоқ  
маркази директори  
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ хузуридаги минақавий  
марказ директори  
т.ф.д. проф. М.Шаумарова - ТошДАУ “Қишлоқ хўжалик  
машиналари” кафедраси профессори  
т.ф.н. доц. Т.Абдуллаев- ТошДАУ “Қишлоқ хўжалик  
машиналари” кафедраси доцент

**Такризчилар:** т.ф.н. доц. А.Вахидов - ТошДАУ “Қишлоқ хўжалиги  
электр энергетикаси ва электротехнологиялари  
кафедраси” кафедраси мудири  
т.ф.н. доц. А.Камилов - ТошДАУ “Қишлоқ хўжалик  
машиналари” кафедраси доцент

Ўқув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида тавсия  
қилинган ( 20\_\_ йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли баённома ).

## Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.
- Электрон педагогика асослари.
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Ахборот хавфсизлиги.

### **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанларини ўқитиш муаммолари.
- Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида қўлланиладиган техника ва жиҳозлар инновацияси.
- Деҳқончиликни механизациялаштиришда янги ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш.

### **Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанининг дидактик таъминоти.
- Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанини ўқитишда инновацион технологиялар.

### **Танлов фанлари модули.**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари.**

Олий таълим муассасалари “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

## Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар:

### Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш моҳияти ва аҳамиятини;
- пахта хом ашёсини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш соҳасидаги инновацияларни;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.

### Тингловчи:

- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш доирасидаги таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши фанлари бўйича ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши фанларини ўқитишдаги педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш соҳасидаги фан ва техника ютуқларидан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши фанларидан электрон ўқув материалларини ярата олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши педагогларидан

касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;

- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш соҳасидаги янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ эта олиш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши фанларидан дидактик таъминотини яратиш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- донни сифатли сақлаш жараёнини ташкил эта олиш;
- мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва замонавий усулларда қадоқлаш жараёнларини такомиллаштириш усулларини танлай билиш;
- пахта хом ашёсини сақлаш ва дастлабки қайта ишлашда инновацион технологияларни қўллай олиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини аниқловчи лаборатория жихозларидан фойдаланиш ва уларни таълим жараёнида кўрсатиб бера олиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкларига ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

## **“Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни.**

### **I. Умумий тайёргарлик модули**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари.**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндашувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамиятнинг ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият куришнинг муҳим шартини ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидаги замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

#### **1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

## **II. Умумқасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

### **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, Ахборот тизимини бошқариш, Ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий комуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, Интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, Аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

### **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информатсион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараёни технологиялар лойиҳалаштириш.

### **2.4. Амалий хорижий тил.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган суҳбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни раво ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

### **2.5. Тестология асослари.**

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гуруҳий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

## **2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, уларнинг мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси.. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар ва ўқувчи талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда туган ўрни.

## **2.7. Ахборот хавфсизлиги.**

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

## **II. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **3.1. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанларини ўқитиш муаммолари.**

Дехқончиликни ҳамма соҳаларидаги технологик операцияларни бажара оладиган технологик жараёнга эга бўлган машиналарнинг тузилиши. Машиналарни маҳаллаий шароитга мослаб ростлаш. Машиналардаги электроника жиҳозлардан тўғри фойдаланиш, уларни конструктив такомиллаштириш.

Замонавий қишлоқ хўжалиги машина ва техникаларининг тузилиши. Қишлоқ хўжалиги машина ва техникаларини ишлаши, ишга тайёрлаш, созлаш, муайян шароитга мослаб танлаш. Қишлоқ хўжалиги машина ва техникаларини ишлатиш, параметрларини ҳисоблаш ва улардан самарали фойдаланиш.

### **3.2. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида қўлланиладиган техника ва жиҳозлар инновацияси.**

Дехқончиликда механизациялаштирилган ишларни бажариш технологиялари. Асосий операцияларни бажариш.. Машина-трактор агрегатларини (МТА) тузиш. Дехқончиликда бажариладиган ишларни механизациялаш учун МТАлар тузиш қоидалари ва тартиби. МТАлар

ишини баҳолаш, иш сифатини аниқлаш. Асосий операцияларни баҳолаш тартиби, усуллари, технологиялари.

### **3.3. Дехқончиликни механизациялаштиришда янги ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш.**

Дехқончиликда механизациялаштирилган ишлар технологияси фани предмети, мақсади, вазифаси. Замоनावий қишлоқ хўжалиги машиналарини технологик иш жараёнларини ўрганиш. Республикамизнинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослаб ишлатишни удалай оладиган мутахассис тайёрлашдек долзарб масалани ўқитиш.

Дехқончиликда механизациялаштирилган ишлар технологияси фанини ўқитиш. Республикамиз қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган қишлоқ хўжалиги машиналарининг иш сифатини аниқлаш. Қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишчи қисмлари параметрларини агротехник талабларга жавоб бериши. Қишлоқ хўжалиги машиналарини маҳаллий шароитга мослаш ва ишлатишни ўргатиш.

## **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули.**

### **4.1. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанининг дидактик таъминоти.**

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанининг замоनावий концептуал асослари. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумқасбий ва махсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

### **4.2. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанини ўқитишда инновацион технологиялар.**

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйиладиган замоनावий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Педагогларнинг инновацион фаолияти хусусиятлари. Педагоглар фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндошувлар.

## **V. Танлов фанлари модули**

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш фанлари соҳалари йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, педагогика, психология фанлари ва уларни ўқитишнинг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепсияси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

### **Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни мутоала қилиш;
  - мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
  - мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
  - талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
  - касбий педагогика муаммолари;
  - интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мутоала қилиш;
  - малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
  - дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
  - касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
  - педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
  - ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.
- Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

### **Тавсия этилаётган малакавий ишларининг мавзулари:**

- 1 Механизациялаштирилган ишларни бажаришдаги тушунчалар, технологик операцион карта тузиш. Агрегат турлари, эксплуатацион кўрсаткичлари..
- 2 Машина – трактор агрегатларини тузиш қоидалари, ҳисоблаш тартиби.
- 3 Машина – трактор агрегатларини кинематикаси, дала четида бурилиш ва дала бўйлаб юритиш усуллари.
- 4 Машина – трактор агрегатининг иш унуми.
- 5 Ерга ишлов бериш технологиялари, плугни ишга тайёрлаш, далада ишлатиш тартиби ва экиш технологиялари.
- 6 Ерни экин экишга тайёрлаш, ўғит солиш, уруғ ва кўчат экиш технологиялари.
- 7 Пахта ҳосилини йиғиштириш технологиялари ва уларга ишлатиладиган техникалар.
- 8 Ғалла ҳосилини йиғиштириш технологиясига унга ишлатиладиган техникалар.
- 9 Дехқончилик маҳсулотини тозалаш технологияси ва техникаси.
- 10 Қишлоқ машиналарга техник сервис хизмати кўрсатиш.

### **Дастурнинг инфор­мацион - методик таъминоти.**

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши:

- модуллар бўйича маърузалар замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришни назарда тутди.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов.Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон,

- 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
  5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
  6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
  7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
  8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
  9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
  - 10.И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
  - 11.И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
  - 12.И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
  - 13.И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон,1994.
  - 14.И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
  - 15.И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
  - 16.И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
  - 17.«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
  - 18.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
  - 19.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.
  - 20.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Пқ-1533-сон қарори.
  - 21.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
  - 22.Аугамбаев М.А. ва б. Основы планирования научно - исследовательское эксперимента.
  - 23.Веденяпин Г.В. Общая методика экспериментального исследования и обработки опытных данных. М.1987.

- 24.Мелников С.В. ва Б.Планировние эксперимента в исследованиях селскохозяственных процессов Ленинград». «Колос», 1980.
- 25.Шоумарова М., Абдиллаев Т. Қишлоқ хўжалиги машиналари. Тошкент. Меҳнат 2002й.
- 26.Шоумарова М. Ш, Абдиллаев Т.А. «қишлоқ хўжалиги машиналари». Тошкент: “Ўқитувчи” 2009.
- 27.Ҳамидов А.Х. Қишлоқ машиналарини лойҳалаш. Т.1991.

### **Сайтлар:**

[www.rambler.ru](http://www.rambler.ru)

[www.vahoo.com](http://www.vahoo.com)

[www.tsau.ru](http://www.tsau.ru)

[www.edd.ru](http://www.edd.ru)

[www.mcsa.ac.ru](http://www.mcsa.ac.ru)

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий - методик маркази



Директор \_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимкулов  
" " \_\_\_\_\_ 201 й.  
М.Ў.

Тошкент давлат аграр университети  
хузуридаги педагог кадрлар қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириш тармоқ маркази



Директор \_\_\_\_\_ С.С.Фуломов  
" " \_\_\_\_\_ 201 й.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўз.Р. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси



Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Х.Х.Ҳамидов  
" " \_\_\_\_\_ 201 й.